

Фақат Аллоҳдан кўрқаман



08:00 / 09.01.2020 1610

Амр ибн Атабанинг мавлоси айтади: «Саратоннинг иссиқ куни эди. Бир куни уйғониб, Амр ибн Атабани қидирдик. Қарасак, у тоғда саждада турар, устига эса бир булут соя солиб турар эди. Яна бир куни тунда унинг намоз ўқиётганини кўрдим. Шу пайт бир шернинг ўкиргани эшитилди. Ҳаммамиз қочиб кетдик. Фақат Амр ибн Атаба қочмасдан, намоз ўқийверди. Кейин ундан: «Шердан кўрқмадингми?» деб сўрадик. У: «Аллоҳдан бошқасидан кўрқишга У Зотдан ҳаё қиламан», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан